

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА СОҲИБЖАМОЛ ХОЛМУРАТОВНА**

**ТЎЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ВАЛЮТА КУРСИ  
СИЁСАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Жумаева Соҳибжамол Холмуратовна**

Тўлов балансини тартибга солишда валюта курси сиёсатининг  
ролини ошириш йўллари..... 3

**Жумаева Соҳибжамол Холмуратовна**

Пути повышения роли политики валютного курса при  
регуливовании платежного баланса..... 27

**Jumaeva Sokhibjamol Kholmuratovna**

Ways of increasing the role of the exchange rate policy in regulation of  
the balance of payments..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 56

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЖУМАЕВА СОҲИБЖАМОЛ ХОЛМУРАТОВНА**

**ТЎЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ВАЛЮТА КУРСИ  
СИЁСАТИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07–Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

Иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Iqt1694 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш web саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Хошимов Элмурод Абдусатторович</b> иктисодиёт фанлари номзоди, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тошқулов Абдуқодир Ҳамидович</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Жўраев Абдуғаффор Сафарович</b> иктисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент давлат иктисодиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.1.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «12» 03 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871)-234-53-34, факс: (99871)-234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (270 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур шох кўчаси, 60А уй. Тел.: (998)71-234-53-34.

Диссертация автореферати 2022 йил «25» 02 кун тарқатилди.  
(2022 йил «25» 02 даги № 18 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабасев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.К.Холмаматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

X/R 270  
TMI kutubxonasi

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мамлакатлар тўлов балансини тартибга солиш амалиётида валюта курси режимини тўғри танлаш ва мувофиқ валюта сиёсатини амалга ошириш муҳим ўрин тутди. Ривожланган мамлакатларда валюта сиёсати орқали тўлов баланси мувозанатини таъминлашда бозор механизмларидан фойдаланиш амалиёти кенг тарқалган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда тўлов баланси ҳолатига таъсир этиш механизмлари бир мунча чекланган.

Жаҳон амалиётида глобал тўловларнинг номуносивлиги сақланиб қолмоқда. Масалан, «биргина 2020 йил якунига кўра, АҚШнинг жорий ҳисоб дефицити мамлакат ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан 3,1 фоизни ташкил этган бўлса, Германияда жорий ҳисоб профицити ЯИМнинг 7,0 фоизини ташкил қилган»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда тўлов баланси ва мамлакатимизнинг халқаро инвестицион позиция бўйича ҳисоботлар халқаро стандарт талаблари асосида тайёрланиб, нашр қилиб борилмоқда. Тўлов баланси мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва жаҳон хўжалигига интеграциялашуви даражасини акс эттиради. Айни пайтда, тўлов баланси ҳар бир мамлакат учун индивидуал хусусиятларга эга бўлади ва бу ҳолат ўша мамлакат иқтисодий сиёсати, иқтисодий ривожланиши ва иқтисодий хавфсизлиги, ресурс таъминоти кабилар билан изоҳланади. Шунингдек, тўлов баланси халқаро муҳит ва шарт-шароитлар сезиларли таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш»<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Бундан ташқари, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш, келгуси беш йилда 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш»<sup>3</sup> мақсадлари қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонига мувофиқ, валюта сиёсатининг ноанъанавий тармоқларда экспортни ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни

<sup>1</sup> <https://data.worldbank.org/indicator/BN.CAB.XOKA.GD.ZS?locations=DE>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»2 ПФ-4947-сон фармонида 1-илова.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонида 1-илова.

мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи ролини ошириш масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, тадқиқот мавзусининг долзарблиги республикамиз жорий операциялар баланси дефицити доимий тус олаётганлиги, девальвациянинг экспортни рағбатлантиришдаги роли етарли эмаслиги, ташқи қарз ва хорижий валютадаги кредитлар ҳажмининг ўсиш тенденциясига эга бўлиши ва пировардида хорижий валютага нисбатан талабнинг ортиши, ташқи савдони молиялаштириш, хусусан, экспортни рағбатлантириш механизмларининг ривожланмаганлиги, нархлар барқарорлигига масъулият ортаётган шароитда Марказий банкка нисбатан жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлаш зарурияти мавжудлиги, олтин-валюта захираларининг етарлича юқори диверсификацияланмаганлиги каби муаммоларнинг мавжудлиги билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тўлов балансини тартибга солиш масалалари Т.Манн, Д.Стюард, Дж.Робинсон, А.Лернер, Л.Метцлер, М.Гольдштейн, М.Кан, Дж.Кейнс, Н. Johnson, Р. Pacheco-López, R. Rowthorn, K. Coutts, М.Брейер, Р.Дорнбуш, Т.Хамфри, Р.Келехер, М.Мусса, М.ф.Нойманн-Уитмэн, Дж.Френкель каби кўплаб иқтисодчи олимларнинг ишларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Валюта сиёсати ва курс танлаш сиёсати масалалари G. Calvo, R. Dornbusch, P. Krugman, M. Obstfeld, M. Melitz, С.А. Андрюшин, М.Ю. Головин, М.В. Ершов, Л.Н. Красавина, В.В. Кузнецова, С.Р. Моисеев каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган<sup>5</sup>.

---

<sup>4</sup> Mun, Thomas. *England's Treasure by Foreign Trade or The Balance of our Foreign Trade is the Rule of our Treasure.* – London: J.G. for Thomas Clark. 1664.; Stuart, James. *An Inquiry into the Principles of Political Economy.* – London: A. Millar, and T. Cadell. 1767.; Robinson J. *The foreign exchanges//Essays in the theory of employment.* 2<sup>nd</sup> ed. Oxford, 1974.; Lerner A.P. *The economics of control. Principles of welfare economics.* N.Y., 1944.; Metzler L.A. *The theory of international trade // A survey of contemporary economics / ed. by H.S. Ellis.* Philadelphia, Toronto. 1948.; Goldstein M., Kahn M.S. *Income and Price Effects in Foreign Trade//Jones, R.W., Kenen P.V. Handbook of International Economics.* Amsterdam, 1985.; Кейнс Дж.М. *Общая теория занятости, процента и денег//Антология экономической классики. Т.2, М.: Эконом, 1993, С.285.; Johnson, H. (2013). Towards a general theory of the balance of payments. In International Trade and Economic Growth (Collected Works of Harry Johnson) (pp. 153-168). Routledge.; Pacheco-López, P. (2003). The Impact of Trade liberalisation on the Trade Balance, the Balance of Payments and Economic Growth: the Case of Mexico. Draft Available at <http://www.etsg.org/ETSG2003/papers/pacheco-lopez.pdf>.; Rowthorn, R., & Coutts, K. (2004). De-industrialisation and the balance of payments in advanced economies. *Cambridge Journal of Economics*, 28(5), 767-790.; Brejer M.I. On causality and monetary approach to the balance of payments//*European Economic Review*, N.2, 1979, p.289-296.; Dornbusch R. Devaluation, money and non-traded goods//*American Economic Review*, N.3, 1973, p.871-883.; Humphrey T.M., Keleher R. *Monetary approach to the balance of payments, exchange rates, and world inflation.* N.Y., 1982.; Mussa M.A. *A monetary approach to the balance of payments analysis//Journal of Money, Credit and Banking*, N.2, 1974, P.333-351.; M.von Neumann-Whitmen. *Global monetarism and monetary approach to the balance of payments//Brookings Papers on Economic Activity*, N.3, 1975, P.491-536.; Frenkel J.A. *The monetary approach to the balance of payments.* Toronto: University of Toronto Press. 1976.*

<sup>5</sup> Calvo G. *Mexico's balance-of-payments crisis: a chronicle of death foretold // Journal of International Economics.*

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Ш.Бекмуродов, Н.Х.Жумаев, Т.И.Бобакулов, Т.С.Расулов, З.У.Бердиназаров, Ш.Р.Ражаббаев, Э.А.Хошимовларнинг илмий изланишларида тўлов балансини тартибга солишда валюта сиёсатидан фойдаланишнинг айрим назарий-концептуал жиҳатлари ўз аксини топган<sup>6</sup>.

Т.И.Бобакулов фикрича, валюта бозори иштирокчилари Марказий банкнинг миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлашига ишонмайдиган шароитда, интенсив валюта интервенцияси кутилган самарани бермайди. Чунки, валюта интервенциясининг самараси валюта бозори иштирокчиларининг Марказий банкка бўлган ишончи билан белгиланади<sup>7</sup>.

Н.Х.Жумаев ўз тадқиқотларида Ўзбекистон Республикасида хорижий валюталарга нисбатан талабнинг барқарор эмаслиги, ташқи савдонинг ижобий сальдосини миллий валютанинг алмашув курси барқарорлигига ижобий таъсирининг мавжудлиги каби валютани тартибга солиш амалиётига хос бўлган тенденцияларни аниқлаган. Шунингдек, республикада миллий валюта курси режимини танлаш ва уни амал қилиш шарт-шароитларини асослашга муваффақ бўлган<sup>8</sup>.

Ш.Р.Ражаббаев эса, Ўзбекистонда тўлиқ конвертацияга эришилмагани шароитида валюта сиёсатини хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсирини жорий ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар орқали ўрганган<sup>9</sup>.

---

Volume 41, Issues 3–4, November 1996, Pages 235-264; Dornbusch R. Exchange Rates and the Current Account // American Economic Review, December 1980. vol. 70, issue 5, 960-71; Krugman P., Obstfeld M., Melitz M. "International Economics: Theory and Policy". Pearson: 11th Edition, 2017. 784 p.; Krugman P. More On The Exchange Rate And The Trade Balance. April 7, 2010. – URL: <http://krugman.blogs.nytimes.com/2010/04/07/more-on-the-exchange-rate-and-the-trade-balance>; Головин М.Ю. Валютная политика Банка России в условиях внешних шоков // Труды Вольного экономического общества России. 2015. №2.; Ершов М.В. Валютно-финансовые механизмы в современном мире (кризисный опыт конца 90-х). — М.: Экономика. 2000. — 319 с.; Красавина Л.Н. Тенденции и перспективы развития международных валютных отношений в условиях глобализации и регионализации мировой экономики и валютная политика России: монография. — М.: Финансовый университет. 2012.; Андрюшин С.А., Кузнецова В.В. Процентная политика Банка России в условиях рецессии балансовых счетов // Мир новой экономики, №4, 2017. — С114-125.; Моисеев С.Р. Центральный банк и политика валютного курса. — М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС. 2017.

<sup>6</sup> Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари// «UzBridge» электрон журнали, I – сон май, 2019 й. – Б.3-14.; Бобакулов Т.И. Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш: муаммо ва ечимлар. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007 й. – 184 б.; Расулов Т.С. Валюта муносабатларининг назарий асослари. – Т.: «Молия», 2007 й. – 316 б.; Бердиназаров З.У. Валюта сиёсати методологиясини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2018. – 254 б.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири: иқт. фан. номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2008. – 20 б.; Хошимов Э.А. Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида иқтисодиётнинг долларлашуви даражасини камайитириш йўллари//«Молия ва банк иши» электрон илмий журнали, V сон. Сентябрь - Октябрь, 2020. 5-11 б.

<sup>7</sup> Бобакулов Т.И. Коронавирус пандемияси шароитида пул-кредит сиёсати// «Молия ва банк иши» электрон илмий журнали, II сон. март-апрель, 2020.

<sup>8</sup> Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007 й. – 232 б.

<sup>9</sup> Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири: иқт. фан. номзоди даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2008. – 20 б.

Валюта сиёсати соҳасидаги сўнгги тадқиқотлардан бири З.У.Бердиназаровга тегишли бўлиб, унда асосий урғу валюта сиёсатининг девиз инструментларини ўрганишга қаратилган<sup>10</sup>.

Бирок, юқорида қайд этилган олимлар томонидан валюта сиёсатининг умумий, концептуал-назарий жиҳатлари ўрганилган бўлиб, тўлов балансини тартибга солиш механизмлари, хусусан, курс сиёсатининг ролини ошириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодий модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида тўлов балансини тартибга солишда валюта курси сиёсатидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари** қуйидагилардан иборат:

тўлов баланси тушунчаси ва унинг иқтисодий моҳиятини ўрганиш;

тўлов балансини тартибга солиш бўйича назарияларни тадқиқ қилиш ва уларнинг асосий қоидаларидан фойдаланиш бўйича хулосалар ишлаб чиқиш; валюта курси сиёсатининг тўлов балансига таъсири механизмининг тадқиқ қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатининг жорий ҳолатини баҳолаш;

Марказий банк валюта сиёсати орқали тўлов балансининг мувозанатини тартиб солиш амалиётини таҳлил қилиш;

Covid-19 пандемиясининг тўлов балансига таъсирини ўрганиш ва баҳолаш;

тўлов балансини тартибга солишда валюта сиёсатидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов балансини тартибга солиш амалиёти ва алмашув курси сиёсати олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тўлов балансини тартибга солишда алмашув курси сиёсатидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш, иқтисодий ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

номинал айирбошлаш курси ўзгаришининг чеклаш амалиётидан воз кечиш орқали реал айирбошлаш курсининг ошиши ва пировардида тўлов

---

<sup>10</sup> Бердиназаров З.У. Валюта сиёсати методологиясини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асослари. Монография. – Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2018. – 254 б.



балансининг ёмонлашиши ҳамда иқтисодиётда девальвацион рискларнинг ортишига барҳам бериш таклифи ишлаб чиқилган;

валюта курси шаклланишига нисбатан босимни пасайтириш мақсадида хорижий валютадаги кредитлар ҳамда давлат ташқи қарзи ўсиш суръатларини чеклаш таклифи асосланган;

ташқи савдо дефицитини камайтириш мақсадида экспортни нодевальвацион чоралар орқали қўллаб-қувватлаш, хусусан, ташқи савдони молиялаштириш механизмларини ривожлантириш илмий асосланган;

ўрта муддатли истикболда валюта курсининг эркин сузиш режими учун зарурий шарт-шароит сифатида жорий операциялар ҳисобварағи актив қолдиғини таъминлаш асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

нархлар барқарорлигига масъулият ошиб бораётган бир шароитда Марказий банкка нисбатан жамоатчилик ишончини янада мустаҳкамлаш, унинг том маънодаги мустақиллигини таъминлашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

ҳалқаро капитал бозорига қарз инструментларини фаол жойлаштириш шароитида мамлакат олтин-валюта захиралари етарлилигини таъминлаш ва уларни юқори даражада диверсификациялаш таклифи асосланган;

алмашув курси ўзгаришининг тижорат банки очик валюта позициясига таъсирини ҳисобга олиб, хорижий валютада жалб қилинадиган ва жойлаштириладиган маблағларнинг миқдор ва муддат жиҳатидан мувофиқлигини таъминлаш таклиф қилинган.

сўм алмашув курсининг мамлакат тўлов баланси ҳолати ва ташқи иқтисодий шароитларни ўзида ҳаққоний акс эттиришини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг курс шаклланиши жараёнига аралашувини кескин камайтириш таклиф қилинган;

экспорт ва импортнинг даромад ва нарх бўйича эластиклигини ошириш мақсадида республикамиз ташқи савдоси таркибида юқори технологиялар билан чуқур қайта ишланган ва юқори қўшилган қийматга эга бўлган товарлар улушини кўпайтириш таклиф қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларни етакчи иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлилига, илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш натижаларига ҳамда расмий статистик маълумотлар таҳлилларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан келгусида тўлов балансини тартибга солишда валюта курси сиёсатининг ролини оширишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда манба сифатида фойдаланишнинг мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан республикамизда Марказий банк валюта курси сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**Тадқиқот жараёнида олинган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

валюта курси шаклланишига нисбатан босимни пасайтириш мақсадида хорижий валютадаги кредитлар ҳамда давлат ташқи қарзи ўсиш суръатларини чеклаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-657-сон Қонунининг 10-моддасини ишлаб чиқишда, яъни Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг қафолати остида олинган давлат қарзининг чекланган ҳажмини белгилашда фойдаланилган (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 10 декабрдаги 04/1-1323-сон маълумотномаси). Шунингдек, мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ва «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (Марказий банкнинг 2021 йил 3 декабрдаги 13-17/745-сон, «Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг 2021 йил 10 декабрдаги 01-01/3480-сон ва Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2021 йил 13 декабрдаги 01-04/7105-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан тадбиркорларнинг 153166 АҚШ доллари, Ўзсаноатқурилишбанк АТБ томонидан 94,4 млн. АҚШ доллари миқдоридagi хорижий валютадаги кредитлари миллий валютадаги кредитларга ўтказилган;

номинал алмашув курси ўзгаришини чеклаш амалиётидан воз кечиш орқали реал алмашув курсининг ошиши ва пировардида тўлов балансининг ёмонлашиши ҳамда иқтисодиётда девальвацион рискларнинг ортишига барҳам бериш таклифи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатини эркинлаштириш амалиётда фойдаланилган (Марказий банкнинг 2021 йил 3 декабрдаги 13-17/745-сон маълумотномаси). Натижада номинал алмашув курсининг эгилувчанлигини ошириш орқали реал алмашув курсининг жадалроқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва шу орқали жорий ҳисобварақ мувозанатини тиклашга эришилади;

ўрта муддатли истикболда валюта курсининг эркин сузиш режими учун зарурий шарт-шароит сифатида жорий операциялар ҳисобварағи актив қолдиғини таъминлаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан валюта курсини танлаш сиёсатини такомиллаштиришда фойдаланилган (Марказий банкнинг 2021 йил 3 декабрдаги 13-17/745-сон маълумотномаси). Натижада хорижий валюта таклифининг барқарорлиги таъминланади ва девальвацион риск даражаси камайд;

ташқи савдо дефицитини камайтириш мақсадида экспортни нодевальвацион чоралар орқали қўллаб-қувватлаш, хусусан, ташқи савдони молиялаштириш механизмларини ривожлантириш таклифи «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкнинг 2021 йил 10 декабрдаги 01-01/3480-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга

таъбиқи натижасида ташқи савдони молиялаштиришга қаратилган кредитлар ҳажми 2021 йилнинг 9 ойи мобайнида 153 фоизга ортган;

алмашув курси ўзгаришининг тижорат банки очик валюта позициясига таъсирини ҳисобга олиб, хорижий валютада жалб қилинадиган ва жойлаштириладиган маблағларнинг миқдор ва муддат жиҳатидан мувофиқлигини таъминлаш таклифи «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки ва «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган («Трастбанк» хусусий акциядорлик банкининг 2021 йил 10 декабрдаги 01-01/3480-сон ва Ўзсаноатқурилишбанк АТБнинг 2021 йил 13 декабрдаги 01-04/7105-сон маълумотномалари). Ушбу таклифнинг амалиётга таъбиқи натижасида «Трастбанк» хусусий акциядорлик банки очик валюта позицияси – 4,36 фоиз, Ўзсаноатқурилишбанк АТБники эса – 5,8 фоиз, яъни Марказий банк томонидан белгиланган норматив доирасида бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан, 11 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тўлов балансини тартибга солишнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида тўлов баланси тушунчасини аниқлаштириш бўйича турли етакчи иқтисодчи олимларнинг қарашлари асосида тадқиқотчининг ўзи томонидан шакллантирилган илмий таъриф ва унинг иқтисодий моҳияти ёритилган, тўлов балансини тартибга солиш бўйича етакчи назариялар ва уларнинг асосий қоидалари ўрганилган, шунингдек уларга тадқиқотчи томонидан қиёсий баҳо берилган, валюта курси сиёсатининг тўлов балансига таъсир этиш механизми очиб берилган.

«Тўлов баланси» тушунчасининг пайдо бўлиши «савдо баланси» атамаси билан узвий боғлиқдир. «Савдо баланси» атамаси илк бор Э.Мисселденнинг

«Савдо доираси» (1923 й.) асарида фойдаланилган бўлиб, унда Англия савдо балансининг дастлабки ҳисоб-китоблари берилган<sup>11</sup>.

«Савдо баланси» тушунчаси кейинчалик Т.Манн асарларида янада ривожлантирилган. У «Англиянинг ташқи савдодаги бойлиги» (1664 й.)<sup>12</sup> асарида «умумий савдо баланси» тушунчасини киритади ва бу орқали мамлакатнинг қолган барча мамлакатлар билан муносабатларини яхлитликда ифодалашга ҳаракат қилади. Т.Манн таъкидлашича, муайян мамлакатлар билан ташқи савдодаги дефицит бошқа мамлакатлар билан ижобий қолдиқ (сальдо) орқали қопланиши мумкин, шу боисдан ташқи савдо фаолияти умумий савдо баланси асосида баҳоланиши керак.

«Тўлов баланси» атамаси илк маротаба Д.Стюарднинг «Сиёсий иқтисод тамойиллари ҳақида тадқиқотлар» (1767 й.)<sup>13</sup> асарида фойдаланилган бўлиб, унда ташқи савдо ва капитал ҳаракати ўртасидаги боғлиқлик кўрсатиб берилган.

Олтин стандарти давридан сўнг аксарият иқтисодчи-олимлар қарийб 200 йил мобайнида «ўзгарувчан валюта курслари механизми тўлов баланси мувозанатини автоматик тарзда тиклайди» деган қараш атрофида яқдил фикрда бўлиб келишди. Бинобарин, тўлов балансининг мувозанат ҳолатидан четлашиши валюта курсининг ўзгаришини келтириб чиқаради ва у, ўз навбатида, халқаро операцияларга таъсир ўтказиши ҳамда пировард натижада тўлов баланси қайта мувозанатга келади.

Маршал-Лернер шартларига мувофиқ, агар миллий экспортга хорижий талаб эластиклиги ва хорижий импортга миллий талаб эластиклиги суммаси 1 дан ортиқ бўлса, миллий валюта девальвацияси жорий операциялар балансининг яхшиланишига олиб келади. Аксинча, бу сумма 1 дан кичик бўлса, у ҳолда девальвация жорий операциялар балансига салбий таъсир кўрсатади.

Девальвациянинг икки томонлама таъсири нархлар ва ҳажм ўзгариши ҳисобидан кўриб чиқилади: «нарх самараси» таъсирида дефицит ошади ва «ҳажм самараси» орқали дефицит камаяди.

Нарх самараси натижасида миллий валюта девальвацияси хорижий валютада ифодаланади, экспорт нисабатан олганда янада арзонлашади, миллий валютадаги импорт эса, аксинча қимматлашади ва пировардида жорий операциялар баланси ҳолати ёмонлашади.

Ҳажм самараси натижасида экспортнинг арзонлашуви экспортга бўлган талаб ҳажмининг ортиши ортидан ҳажм жиҳатдан ўсишга, импортнинг қимматлашуви эса импорт қилинадиган товар ва хизматлар ҳажмининг қисқаришига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, икки томонлама таъсир натижасида жорий операциялар баланси ҳолатида ижобий ўзгариш юз беради. Девальвациянинг жорий операциялар баланси ҳолатига пировард таъсири юқоридаги икки таъсирнинг

<sup>11</sup> История экономических учений. / Под. ред. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2000. – С.35.

<sup>12</sup> Mun, Thomas. England's Treasure by Foreign Trade or The Balance of our Foreign Trade is the Rule of our Treasure. – London: J.G. for Thomas Clark, 1664.

<sup>13</sup> Stuart, James. An Inquiry into the Principles of Political Economy. – London: A.Millar, and T.Cadell, 1767.

кайси бири кучли эканлиги ва бунинг оқибатида юзага келадиган миллий экспортга хорижий талаб ва хорижий импортга миллий талаб эластиклиги билан белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, экспорт ва импорт таклифи мукаммал эластикликка эга бўлмаганда вазият мураккаблашади. Бундай ҳолатда экспорт ва импортга талаб эластиклиги суммаси 1 дан кичик бўлса ҳам жорий операциялар баланси ҳолати яхшиланиши мумкин. Бошқача айтганда, экспорт ва импорт таклифи мукаммал эластикликка эга бўлмаса, экспортга талабнинг ортиши миллий экспорт нархларининг маълум даражада ошишига олиб келиши ва бу, ўз навбатида, экспорт тушумларини рағбатлантириши ҳамда шу асосда жорий операциялар баланси ҳолатига ижобий таъсир қилиши мумкин. Худди шу сингари хорижий импортга талабнинг пасайиши хорижий валютадаги товар ва хизматлар нархининг пасайишига сабаб бўлади ва мос равишда импортга харажатлар қисқаради ҳамда пировардида жорий операциялар баланси ҳолати яхшиланади.

Айни пайтда, экспорт ва импортга талаб эластиклигининг қисқа ва узок муддатли даврдаги ҳолатини ҳам эътиборга олиш зарур. Бинобарин, экспорт ва импортга талаб эластиклиги қисқа муддатли даврий ораликда узок муддатга нисбатан пастроқ бўлади ва бу, ўз навбатида, Маршал-Лернер шартларининг қисқа ва ўрта муддатларда кузатилмаслиги, узок муддатли даврий ораликда эса кузатилиш тенденцияси мавжудлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, жорий операциялар баланси дефицитини қоплаш усуллари курс шаклланиши тизимига қараб фаркланишини ҳисобга олиш зарур.

Қатъий белгиланган курс режимида жорий операциялар баланси ҳолатининг вақтинчалик ёмонлашувини қоплаш учун етарли миқдорда олтин-валюта захираларининг мавжуд бўлиши талаб этилади. Ўзгарувчан курс режимида валюта бозорида миллий валюта таклифи томонидан бўладиган босимнинг кучайиши сабаб юзага келадиган миллий валюта девальвацияси натижасида жорий операциялар баланси ҳолатининг ёмонлашуви давомий характер касб этиши мумкин.

Кейнсча ёндашув тўлов баланси қолдиғини тартибга солишда давлатнинг фаол аралашувини кўзда тутаяди. Ушбу йўналишнинг асосчиси Дж.М.Кейнс фикрича, иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш самарадорлиги давлат инвестициялари учун маблағ қидириб топиш, аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлаш, фоиз нормасини пасайтириш ва қатъий белгилашга боғлиқ<sup>14</sup>.

Кейнсчилар фикрича, инвестицияларнинг кўпайиши миллий даромаднинг ортишига олиб келади. Бунда инвестициянинг дастлабки ўсишига нисбатан миллий даромаднинг ўсиши суръати юқорироқ бўлади. Бу ҳолатнинг юз беришини қуйидагича изоҳлаш мумкин: «жамият психологияси

---

<sup>14</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег//Антология экономической классики. Т.2. М.: Эконом. 1993. С.285.

шундайки, ялпи реал даромаднинг ўсиши билан ялпи истеъмол ҳам кўпаяди.<sup>15»</sup>

Кейнсча ёндашувга мувофиқ, тўлов баланси қолдиғи савдо ва хизматлар қолдиғи сифатида баҳоланган, капиталлар ҳаракати эса назардан четда қолган. Фикримизча, бунинг сабабини XX асрнинг 50-70 йилларида – мазкур концепция оммалашган даврда капиталларнинг халқаро ҳаракати қатъий тартибга солинганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кейнсча ёндашув доирасида тўлов баланси қолдиғи мамлакатнинг харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ сифатида аниқланган ва асосий эътибор валюта курси ўзгаришининг тўлов баланси жорий операциялар ҳисобварағига таъсирига қаратилган.

Кейнсчиларга кўра, тўлов балансининг экспорт-импорт моддаларига сезиларли таъсир этувчи ягона омил – бу валюта курсидир. Миллий валюта жорий курсининг юқори бўлиши (қадрининг ортиши) экспорт операциялари ҳажмига салбий таъсир кўрсатади ва импорт операцияларини рағбатлантиради.

Аксинча, миллий валюта қадрининг паст бўлиши экспорт операцияларидан тушумлар киримининг кўпайиши ҳисобидан давлат даромадларининг ортишини рағбатлантиради ва импортга қилинадиган харажатларнинг қисқаришига олиб келади.

Абсорбцион ёндашув нуқтаи-назаридан девальвациянинг жорий операциялар балансига ижобий таъсири қуйидаги ҳолатларда таъминланади: даромад ўзгармас бўлган ҳолда, абсорбциянинг пасайиши юз берса; абсорбция ўзгаришсиз қолганда даромаднинг ўсиши таъминланса; абсорбциянинг ўсиш суръати даромаднинг ўсиш суръатидан паст бўлса.

Бошқа томондан, мамлакатнинг экспортдан олган даромадининг бир қисми импортга сарфланади ва бунинг натижасида мамлакатнинг ички харид қуввати пасаяди. Миллий даромаднинг ўсиши импортга бўлган талабнинг ошишини рағбатлантириши мумкин. Бу ўринда, миллий даромаднинг бир фоизга ўзгариши импортга қилинадиган харажатларнинг неча фоизга ўзгаришига олиб келиши (импорт қилишга маржинал мойиллик) ҳисобга олиниши керак.

Девальвация миллий валютада ифодаланган импортнинг қимматлашишига ва шу асосда реал миллий даромаднинг қисқаришига олиб келади. Чунки муайян импорт ҳажмини олиш учун эндиликда кўпроқ экспорт ҳажми талаб этилади. Натижада девальвациянинг миллий даромадга умумий таъсири ноаниқ бўлиб қолади.

Девальвациянинг импортга ва пировардида тўлов балансига таъсири натижаси ноаниқ бўлишига қарамай, абсорбцион ёндашув давлат органлари учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бинобарин, миллий даромад ва абсорбция ўртасидаги ижобий фарқини сақлаб қолиш ва оширишга давлат органлари томонидан катта эътибор қаратилади.

---

<sup>15</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег//Антология экономической классики. Т.2. М.: Эконом. 1993. С.155.

Монетар ёндашув концепциясига мувофиқ, тўлов баланси қолдиғи давлатнинг расмий олтин-валюта захиралари ўзгаришига эквивалент ҳисобланади.

Айни пайтда, кейнсчилар тўлов баланси қолдиғини мамлакатнинг харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ сифатида қарашган ҳамда тўлов балансининг ижобий қолдиғи ички харажатларни камайтириш ёки мамлакатга даромад киримини оширишга давлат томонидан босим ўтказиш ҳисобига таъминланган бўлса, монетар ёндашув иқтисодий тизимнинг ўзини-ўзи тартибга солишига асосланади. Тўлов балансининг қолдиғи монетар ёндашув тарафдорлари томонидан пулга бўлган талаб ва пул таклифи ўртасидаги фарқ натижаси сифатида қаралади. Тўлов балансининг ижобий қолдиғи ортидан мамлакат иқтисодиётига пулнинг кирими, пул массасининг кўпайиши ва мамлакат ичида нархларнинг ошиши юз беради. Бу, ўз навбатида, ўхшаш ёки ўринбосар хорижий товарларга бўлган талабни рағбатлантиради. Мамлакатга импорт киримининг ортиши тўлов баланси қолдиғининг мувозанатлашувига олиб келади. Монетар ёндашув тарафдорлари фикрича, тўлов балансининг ижобий қолдиғи икки хил йўл билан, яъни валюта курсининг нисбатан барқарорлиги шароитида ички нархларни ўзгартириш орқали ёки валюта курсини ревальвация ёрдамида ўзгартириш орқали таъминланиши мумкин.

Диссертациянинг «Ўзбекистон тўлов балансининг жорий ҳолати ва валюта сиёсатининг замонавий амалиёти» деб номланган иккинчи бобда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатининг жорий ҳолати тадқиқ этилиб, валюта курслари ва операциялари ҳажмининг ўзгариш сабаблари аниқланган, тўлов балансининг жорий операциялари ҳисобидаги дефицитни қандай иқтисодий механизмлар орқали қопланиётганлиги статистик таҳлилий материаллар билан асослаб берилган, Covid-19 пандемиясининг тўлов балансига таъсири баҳоланган, Марказий банк валюта сиёсати орқали тўлов балансининг мувозанатини тартиб солиш ҳолати иқтисодий кўрсаткичлар асосида баён этилган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистон Республикасида валюта муносабатларининг ривожланишини беш даврга бўлиш мумкин:

биринчи давр 1994-1996 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда миллий валюта – сўм муомалага киритилди ва хўжалик юритувчи субъектларга чет эл валютасида маблағ сотиб олиш имконияти берилди;

иккинчи давр 1997-1999 йилларни ўз ичига олади. Ушбу даврда тўлов балансининг жорий операцияларига чекловлар ўрнатилди;

учинчи давр 2000-2003 йилларни қамраб олади. Ушбу даврда миллий валюта бозорини либераллаштириш бошланди;

тўртинчи даврга 2003-2017 йиллар қиради. Ушбу даврда жорий тўлов баланси операциялари учун сўмни хорижий валютага эркин конвертация қилиш жорий этилди ва биржадан ташқари валюта бозори эркинлаштирилди;

бешинчи давр 2017 йилдан кейинги даврни қамраб олади. Ушбу давр валюта сиёсатини эркинлаштириш билан боғлиқ фаол ислохотлар амалга оширилганлиги билан ажралиб туради.

**1995-2020 йилларда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув  
курси динамикаси<sup>16</sup>**

Сана	Сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати (коэффициентда)	01.01.1995 йилга нисбатан ўсиш суръати (коэффициентда)
01.01.1995	25,00	-	-
01.01.1996	35,50	1,420	1,420
01.01.1997	55,00	1,549	2,200
01.01.1998	80,17	1,458	3,207
01.01.1999	110,00	1,372	4,400
01.01.2000	140,00	1,273	5,600
01.01.2001	325,00	2,321	13,000
01.01.2002	688,00	2,117	27,520
01.01.2003	970,00	1,410	38,800
01.01.2004	980,00	1,010	39,200
01.01.2005	1 058,00	1,080	42,320
01.01.2006	1 180,00	1,115	47,200
01.01.2007	1 240,00	1,051	49,600
01.01.2008	1 290,00	1,040	51,600
01.01.2009	1 393,00	1,080	55,720
01.01.2010	1 511,40	1,085	60,456
01.01.2011	1 640,00	1,085	65,600
01.01.2012	1 795,00	1,095	71,800
01.01.2013	1 985,46	1,106	79,418
01.01.2014	2 202,20	1,109	88,088
01.01.2015	2 422,40	1,100	96,896
01.01.2016	2 809,98	1,160	112,399
01.01.2017	3 231,48	1,150	129,259
01.01.2018	8 120,07	2,513	324,803
01.01.2019	8 339,55	1,027	333,582
01.01.2020	9 507,56	1,140	380,302
01.01.2021	10427,38	1,097	417,095

1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2001, 2002, 2017 йилларда валюта курсининг кескин ўзгаришига мамлакатнинг пул-кредит сиёсатида амалга оширилган туб ислохотлар сабаб бўлмоқда.

2020 йил январ-декабр ойлари охирида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 36,3 миллиард долларни ташкил этди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 5,45 миллиард долларга кам демакдир (13,1 фоиз пасайиш).

Ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида экспорт 15,12 миллиард долларни ташкил этган бўлса (2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 13,4 фоизга пасайиш кайд этилган), импорт миқдори

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



21,17 миллиард долларга тенг бўлган (пасайиш 12,8 фоиз). Натижада ташқи савдо балансининг пассив сальдоси 6,04 млрд. долларни ташкил этди.


Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг деярли 170 мамлакати билан савдо алоқаларини олиб бормоқда. Ташқи савдо айланмасининг энг катта ҳажми ХХР (17,7%), Россия Федерацияси (15,5%), Қозоғистон (8,3%), Корея Республикаси (5,9%), Туркия (5,8%), Қирғизистон (2,5%) ва Германия (2,3%) билан қайд этилган.

Республика ташқи савдо айланмаси таркибида Тошкент шаҳри сезиларли даражада юқори улушга эга (34,2% ёки 12,42 млрд. доллар), бўлса, таркибда энг кичик улуш (1,2% ёки \$421,7 миллион) Сурхондарё вилоятига тегишли бўлган.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2008-2020 йилларда республикаимиз ташқи савдо балансининг салбий сальдоси кузатилган. Шунга қарамай, мазкур даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси ҳам муттасил девальвацияланган. Бундан кўринадики, девальвациянинг ташқи савдо балансига ижобий таъсири таҳлил қилинаётган даврда ўз тасдиғини топмаган.

Фикримизча, мамлакатимизда сўм девальвациясининг ташқи савдо балансига ижобий таъсири, яъни экспортни рағбатлантириш ва импортни чеклаш механизми самара бермаганлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ташқи савдо режимининг тўлиқ эркинлаштирилмаганлиги, монопол корхоналар товарлари нархларининг миллий бозорларда сезиларли даражада юқорилиги импорт товарларининг сўмдаги қиймати ошишига қарамадан барқарор талаб сақланиб қолишига хизмат қилмоқда.



**1-расм. Ўзбекистон ташқи савдо баланси ва сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси ўртасидаги боғлиқлик<sup>17</sup>**


<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Жаҳон савдо маркази(URL: <https://trademap.org>) маълумотлари асосида диссертант томонидан тузилган.

Иккинчидан, экспорт товарларининг, айниқса саноат соҳасида, хом-ашё ва ускуна-жиҳозлари хорийий валютада харид қилиниши ҳисобига сўмнинг қадрсизланиши экспорт нархларининг рақобатбардошлигини кескин ошишига хизмат қилмайди.

Учинчидан, сўм девальвацияси ички нархларга узатилиши эффекти туфайли инфляцияни импорт қилинишига ва пировардида ички нархларнинг ошишига сабаб бўлади. Бу эса девальвациянинг экспорт ва импортга таъсирини камайтиради.

Шунингдек, сўм девальвациясининг капиталлар ҳаракатига таъсирини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунончи, хорижий инвесторларнинг сўмдаги даромадлари репатриация қилинадиган даврда валюта курсининг пасайиши хорижий валютадаги даромадларнинг камайишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, инвестициялардан олинадиган фойда нормаси қисқаради. Бу эса миллий иқтисодиётнинг хорижий инвесторлар учун жозибадорлигини камайишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунга қарамадан, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо ҳамкорлари ҳисобланган мамлакатларнинг валюталарига нисбатан миллий валютамининг икки томонлама реал алмашув курси индексининг базис даврга нисбатан пасайиши маҳаллий ишлаб чиқарилган товарлар нархларининг тегишли ҳамкор мамлакатлар билан солиштирганда арзонлашишига ва шу асосда экспорт рақобатбардошлигини маълум маънода оширишга хизмат қилган (2-расм).



**2-расм. Сўмнинг асосий ташқи савдо ҳамкорлар валюталарига нисбатан реал алмашув курслари<sup>18</sup>**

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотларидан олинган.

2-жадвал маълумотлари кўрсатишича, 2017-2020 йилларда тўлов балансининг жорий операциялар ҳисоби сальдоси дефицит билан чиққан. Айни пайтда, таҳлил этилаётган даврда товар ва хизматлар импорти товар ва хизматлар экспортидан доимо юқори бўлган. Бироқ, мамлакатимизга меҳнат муҳожирлари томонидан юборилган пул ўтказмалари ҳажмининг ўсиш тенденциясига эга эканлиги тўлов балансининг жорий операциялари ҳисоби ҳолатини мувозанатлаштиришда муҳим роль ўйнаган. Бундан ташқари, пандемия инқирози шароитида олтин нархининг ўсишига монанд тарзда номонетар олтин экспортида ҳам ўсиш кузатилган. Масалан, биргина 2020 йилнинг учинчи чорагига келиб, номонетар олтин экспорти 5,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

2020 йилда ҳам республикаимиз ташқи савдоси товарлар таркиби таҳлили кўрсатишича, жами товарлар экспортида қимматбаҳо металллар ва тошлар (5,9 млрд. АҚШ доллари), текстиль ва текстиль маҳсулотлари (2,1 млрд. АҚШ доллари), келиб чиқиши ўсимлик бўлган маҳсулотлар (1,2 млрд. АҚШ доллари) ва қимматбаҳо бўлмаган металллар ва улардан буюмларнинг (1,1 млрд. АҚШ доллари) улуши юқориликча (91%) қолмоқда.

Айни пайтда, товарлар экспорти таркибида ҳам ашё товарлари улуши ҳам сезиларли даражада юқори бўлиб, 2020 йилда 49 фоизни (шундан, номонетар олтин улуши – 45%; табиий газ улуши – 4%) ташкил этган.

2020 йил якунига келиб, хизматлар бўйича ташқи савдо айланмаси ҳажмининг қисқариши, ўз навбатида, хизматлар халқаро савдосидаги манфий қолдиқни 20 фоизга камайишига олиб келди. Шунга қарамай, хизматлар бўйича ташқи савдо айланмасида транспорт ва туризм (сафарлар) билан боғлиқ хизматлар улушининг сезиларли даражада юқорилиги (78%) сақланиб қолмоқда. Транспорт хизматлари импорти таркибида темир йўл транспорти хизматлари етакчи бўлиб, унинг ҳажми 2020 йилда 1,2 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган.

**2-жадвал**  
**Ўзбекистон ташқи секторининг айрим кўрсаткичлари<sup>19</sup>**  
млрд. АҚШ доллари

	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.
ЯИМ жорий нархларда	81,8	81,8	59,1	50,4	57,7	57,7
Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	0,9	0,2	1,5	-3,6	-3,4	-3,1
Товар ва хизматлар экспорти	11,8	10,5	12,4	14,1	17,0	14,5
Товар ва хизматлар импорти	14,7	14,5	16,5	23,4	26,6	22,6
Резидентлар томонидан қабул қилиб олинган трансчегаравий пул ўтказмалари	3,9	3,7	4,8	4,9	5,8	5,9
Ялпи халқаро захиралар	24,3	26,4	27,7	27,1	29,2	34,9
Номонетар олтин экспорти (тоннада)	50	70	80	70	110	100

<sup>19</sup> Ўзбекистон Марказий банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



Диссертациянинг «Тўлов балансини тартибга солишда валюта курси сиёсатидан фойдаланишни такомиллаштириш йўллари» деб номланган учинчи бобда тўлов балансини мувозанатини таъминлашда девальвациядан фойдаланиш шартлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган.

